

ЎЗБЕКИСТОН RESPUBLIKACI VAZIRLAR MAҲKAMACI CINIING
ҚАРОРИ**295 Олий ҳарбий таълим муассасаларига кириш учун
номзодларни тайёрлаш тизимини янада такомиллаш-
тириш чора-тадбирлари тўғрисида**

Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Ўзбекистон Республикаси Қуролли кучларини ислоҳ қилиш ва янада ривожлантириш вазифаларини амалга ошириш бўйича чора-тадбирлар дастури тўғрисида» 2017 йил 24 январдаги ПҚ–2738-сон қарори ижросини таъминлаш ҳамда олий ҳарбий таълим муассасаларига кириш учун номзодларни тайёрлаш тизимини самарали ташкил этиш мақсадида Вазирлар Маҳкамаси **қарор қилади:**

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Ўзбекистон Республикаси Қуролли кучларини ислоҳ қилиш ва янада ривожлантириш вазифаларини амалга ошириш бўйича чора-тадбирлар дастури тўғрисида» 2017 йил 24 январдаги ПҚ–2738-сон қарори билан олий ҳарбий таълим муассасаларига кириш учун номзодларни тайёрлаш бўйича қўшимча вазифалар юкланган академик лицей ва касб-ҳунар коллежлари рўйхати (кейинги ўринларда — рўйхат деб аталади) тасдиқланганлиги маълумот учун қабул қилинсин.

2. Қуйидагилар:

Ҳарбий академик лицейлар ҳамда олий ҳарбий таълим муассасаларига кириш учун номзодларни тайёрлаш бўйича қўшимча вазифалар юкланган академик лицей ва касб-ҳунар коллежларининг махсус гуруҳларига ўқувчилар қабул қилиш тартиби тўғрисидаги низом 1-иловага;

Олий ҳарбий таълим муассасаларига кириш учун номзодларни тайёрлаш бўйича академик лицей ва касб-ҳунар коллежларининг махсус гуруҳлари тўғрисидаги низом 2-иловага;

Ҳарбий академик лицейлар ҳамда олий ҳарбий таълим муассасаларига кириш учун номзодларни тайёрлаш бўйича қўшимча вазифалар юкланган академик лицейлар ва касб-ҳунар коллежлари инфратузилмасини, уларнинг ўқув ва моддий-техника базасини такомиллаштириш дастури 3-иловага мувофиқ тасдиқлансин.

3. Белгилаб қўйилсинки, рўйхатга киритилган академик лицейлар ва касб-ҳунар коллежларида:

хар бир босқичда олий ҳарбий таълим муассасаларига кириш учун номзодларни тайёрлаш бўйича биттадан махсус гуруҳ (кейинги ўринларда махсус гуруҳлар деб аталади) ташкил этилади;

хар бир босқичда махсус гуруҳлардаги ўқувчилар сони 26 нафардан ошмаслиги керак;

махсус гуруҳларда чуқурлаштирилиб ўтиладиган фанлардан амалий, лаборатория ва семинар машғулоти махсус гуруҳларни иккита кичик гуруҳларга бўлган ҳолда ўтказилади;

махсус гуруҳларда умумтаълим фанларини чуқурлаштириб ўтиш билан бирга чақирувга қадар бошланғич тайёргарлик ва жисмоний тарбия фанларидан ўрта махсус, касб-хунар таълими муассасалари ихтиёридаги соатлар ҳисобидан 100 соатгача қўшимча дарс машғулоти, шунингдек, ўқувчиларни ватанпарварлик руҳида тарбиялашга қаратилган тўғарақлар машғулоти ва қўшимча тадбирлар ўтказилади.

4. Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирлиги, Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг Ўрта махсус, касб-хунар таълими маркази;

ҳарбий округлар, олий ҳарбий таълим муассасалари, мудофаа ишлари бўйича бошқармалар, Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирлиги ҳузуридаги Жамоатчилик кенгаши билан биргаликда ҳарбий академик лицейлар, рўйхатга киритилган академик лицей ва касб-хунар коллежларига ёшларда олий ҳарбий таълим муассасалари фаолияти ҳамда ҳарбий хизмат тўғрисида тушунчаларни шакллантиришга, ўқув дастурларни ишлаб чиқиш ҳамда тааллуқли фанлар бўйича таълим жараёнини сифатли ташкил этиш ва ўтказишда ҳар томонлама кўмаклашсинлар;

рўйхатга киритилган академик лицей ва касб-хунар коллежларида ташкил этиладиган махсус гуруҳларда ўқув-методик жараёни ташкил этиш учун зарур шароитларни яратиш мақсадида ўрта махсус, касб-хунар таълими тизимининг Давлат таълим стандартлари, ўқув режалари ва дастурларига мувофиқ равишда жиҳозлаш нормативларини икки ой муддатда «Ўзстандарт» агентлиги билан ҳамкорликда ишлаб чиқсинлар ва тасдиқласинлар;

5. Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг Ўрта махсус, касб-хунар таълими маркази Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирлиги билан ҳамкорликда 2017 йил 1 июлга қадар, рўйхатга киритилган академик лицей ва касб-хунар коллежлари махсус гуруҳларининг ўқув режалар ва дастурларини, шу жумладан «чақириққа қадар бошланғич тайёргарлик» фани ўқув дастурини Давлат таълим стандартларига мувофиқ ишлаб чиқсин ва тасдиқласин.

6. Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги Мудофаа вазирлиги ҳамда Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг Ўрта махсус, касб-хунар таълими маркази билан биргаликда ҳарбий академик лицейлар ҳамда олий ҳарбий таълим муассасаларига кириш учун номзодларни тайёрлаш бўйича қўшимча вазифалар юкланган академик лицей ва касб-хунар коллежларига қираётган ўқувчиларни тиббий кўрикдан ўтказиш тартиби тўғрисидаги низомни бир ой муддатда ишлаб чиқсин ва белгиланган тартибда тасдиқласин.

7. Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирлиги, тасарруфида олий таълим муассасалари мавжуд бўлган манфаатдор вазирликлар ва идоралар билан биргаликда ҳарбий академик лицейлар ҳамда рўйхатга киритилган академик лицей ва касб-хунар коллежларида юқори сифатли ўқув-тарбия жараёнини таъминлашда, шунингдек педагоглар малакасини оширишни ташкил этишда тизимли равишда ҳар томонлама методик ва амалий ёрдам кўрсатиб борсин.

8. Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги ҳар йили Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджети параметрларини шакллантиришда «Маориф» соҳасига йўналтирилган маблағлар доирасида ушбу қарор ижросини таъминлаш билан боғлиқ харажатларни қоплаш учун зарур маблағлар ажратилишини назарда тутсин.

9. Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг Ўрта махсус, касб-хунар таълими маркази манфаатдор вазирликлар ва идоралар билан биргаликда, қабул қилинган норматив-ҳуқуқий ҳужжатларнинг ушбу қарорга мувофиқлаштирилишини икки ой муддатда таъминласин.

10. Мазкур қарорнинг бажарилишини назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг Таълим ва илм-фан масалалари ахборот-таҳлил департаментига юклансин.

**Ўзбекистон Республикасининг
Бош вазири**

А. АРИПОВ

Тошкент ш.,
2017 йил 21 апрель,
227-сон

Вазирлар Маҳкамасининг
2017 йил 21 апрелдаги 227-сон қарорига
1-ИЛОВА

**Ҳарбий академик лицейлар ҳамда олий ҳарбий таълим
муассасаларига кириш учун номзодларни тайёрлаш бўйича
қўшимча вазифалар юкланган академик лицей ва
касб-хунар коллежларининг махсус гуруҳларига
ўқувчилар қабул қилиш тартиби тўғрисида
НИЗОМ**

1-боб. Умумий қоидалар

1. Ушбу Низом умумий таълим мактабларининг 9-синфлари битирувчиларини (кейинги ўринларда номзод деб аталади) ҳарбий академик лицейларга ҳамда олий ҳарбий таълим муассасаларига кириш учун номзодларни тайёрлаш бўйича қўшимча вазифалар юкланган академик лицейлар ва касб-хунар коллежларининг (кейинги ўринларда таълим муассасалари деб аталади) махсус гуруҳларига танловни ташкил этиш ва қабул қилиш тартибини белгилайди.

2. Таълим муассасаларга умумий таълим мактабларини жорий йилда битирган, умумий ўрта таълим тўғрисидаги шаходатномага эга бўлган, соғлиги жиҳатидан ўқишга яроқли деб топилган, танловдан муваффақиятли ўтган номзодлар ўқишга қабул қилинади.

3. Номзодлар, ота-оналар ёки уларнинг ўрнини босувчи шахсларга Таълим муассасасига танловни ва қабул қилишни ташкил этиш, уларнинг шахсий ҳужжатлар йиғмажилди билан ишлаш, ташкилий ишларни бажариш, зарур материаллар ва ҳисоботларни тайёрлаш ҳар бир таълим муассасасида ташкил этиладиган маслаҳат маркази томонидан таъминланади.

4. Номзодларни таълим муассасаларига қабул қилиш танлов йўли билан, тенг ҳуқуқлилиқ ва одиллик тамойиллар асосида, қабул қилишнинг ягона тартиби ва қоидаларига риоя қилган ҳолда амалга оширилади.

5. Таълим муассасаларида ўқувчилар контингентини сифатли ва мақсадли бутлаш қўйидагиларни ўз ичига оладиган босқичма-босқич комплекс танлов амалга оширилади:

- дастлабки танлаш;
- ҳарбий-профессинал танлаш;
- тест синовлари ўтказиш.

6. Номзодларни қабул қилиш таълим муассасасининг маслаҳат маркази томонидан амалга оширилади.

7. Маслаҳат маркази таркиби ҳар йили 25 майгача Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирлиги ҳамда Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг Ўрта махсус, касб-ҳунар таълими марказининг (кейинги ўринларда ЎМКХТ Маркази деб аталади) қўшма қарори билан тасдиқланади.

8. Ҳарбий академик лицей маслаҳат маркази раиси этиб Ўрта махсус, касб-ҳунар таълими ҳудудий бошқармаси бошлиғи (кейинги ўринларда ЎМКХТ ҳудудий бошқармаси деб аталади), раис ўринбосари этиб бириктирилган олий ҳарбий таълим муассасасининг (кейинги ўринларда ОХТМ деб аталади) тавсияси асосида юқори малакали ва тажрибали катта офицерлар таркибидан белгиланади. Маслаҳат маркази таркибига шунингдек олий таълим муассасаси ва ОХТМнинг икки нафардан вакили, ЎМКХТ ҳудудий бошқармасининг бир нафар вакили, таълим муассасасининг икки нафар вакили киритилади.

9. Олий ҳарбий таълим муассасаларига кириш учун номзодларни тайёрлаш бўйича қўшимча вазифалар юкланган академик лицей ва касб-ҳунар коллежи маслаҳат маркази раҳбари этиб уларнинг директорлари, раҳбар ўринбосари этиб ҳарбий округлар қўмондонлиги тавсияси асосида энг юқори малакали ва тажрибали катта офицерлар таркибидаги шахс тайинланади. Маслаҳат маркази таркибига шунингдек ҳарбий округнинг икки нафардан, ЎМКХТ ҳудудий бошқармасининг бир нафар, таълим муассасасининг икки нафар вакили киритилади.

10. Маслаҳат марказига қўйидагилар юкланади:

номзодларнинг шахсий ҳужжатлар йиғмажилдини ўрганиш натижалари асосида тест синовларига қўйилган номзодлар рўйхатларини уларнинг яшаш жойларидаги мудофаа ишлари бўйича бошқармалар ва Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Давлат тест марказига тақдим этиш;

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Давлат тест

маркази томонидан тест синовларини ўтказиш учун зарур шароитларни яратиш;

тест синовлари натижалари бўйича ҳарбий академик лицейларга, таълим муассасаларининг махсус гуруҳларига биринчи ўқув йил учун номзодларни ўқишга қабул қилиш рўйхатини тайёрлаш ва буйруққа киритиш учун ЎМКХТ Марказига уларни тақдим этиш;

номзодларни қабул қилиш натижалари тўғрисида ҳисоботлар тайёрлаш (маслаҳат маркази баённомалари, таълим муассасалари биринчи босқичига ўқишга қабул қилиш учун номзодлар рўйхати, тест синовлари натижалари бўйича умумий рўйхат) ва ЎМКХТ Маркази ҳамда Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирлигига тақдим этиш;

номзодлар, уларнинг ота-оналари ёки уларни ўрнини босувчи шахсларни таълим муассасаларига ўқишга қабул қилиш масалалари бўйича шикоятларини қонунчиликда белгиланган тартибда кўриб чиқиш.

11. Туман (шаҳар) мудофаа ишлари бўлими ҳузуридаги Жамоатчилик кенгаши аъзолари ва ота-оналар вакиллари номзодларни қабул қилиш жараёнида кузатувчи сифатида иштирок этади.

12. Таълим муассасаси директори маслаҳат марказининг самарали фаолият юритиши учун зарур шароитларни яратади.

13. Тест синовларини ўтказишга тайёргарлик жараёнида ташкилий ишларни амалга оширишда (гуруҳлар рўйхатларини шакллантириш, тартиб ва интизом сақлаш каби ишлар) ёрдам бериш учун таълим муассасаси маслаҳат маркази раҳбари томонидан таълим муассасаси ўқитувчиларидан вакиллар жалб этилиши мумкин.

14. Номзодларни ўқишга қабул қилиш тўғрисидаги аризаларни топшириш муддати ва маслаҳат марказига тақдим этиладиган зарур ҳужжатлар рўйхатини ЎМКХТ Маркази ва Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирлиги биргаликда белгилайди.

2-боб. Дастлабки танлаш

15. Олий ҳарбий таълим муассасаларига кириб ҳарбий мутахассислик олишни хоҳлаган шахсларга нисбатан қўйилаётган талабларга номзодларнинг соғлиғи, индивидуал-психологик хусусиятлари ва жисмоний тайёргарлиги жиҳатидан жавоб беришини, барқарор ички эътиқодга, юксак интеллектуал ва маънавий-ахлоқий салоҳиятга эга бўлган номзодларни аниқлаш дастлабки танлашнинг асосий мақсади ҳисобланади.

16. Қуйидагилар дастлабки танлашнинг асосий вазифалари ҳисобланади: номзодга тегишли ҳужжатларни ва уни тавсифловчи маълумотларни тўплаш;

номзод тўғрисидаги турли маълумотларни аниқлаштириш (оилавий аҳволи, ота-оналари ва яқин қариндошларининг ҳарбий хизматга муносабати ва шу кабилар), офицер касбини танлашнинг сабабларини, асосларини аниқлаш;

умумтаълим фанлари бўйича ўзлаштиришини, соғлиғини ва жисмоний тайёргарлик ҳолатини ҳар томонлама ва ҳолисона баҳолаш;

ОХТМга кирувчи номзодларнинг индивидуал-психологик хусусиятларини ўрганиш.

17. Дастлабки танлаш номзодларнинг яшаш жойидаги муҳофаа ишлари бўйича бўлимлар ва бошқармаларда ўтказилади.

18. Номзодларга қуйидаги ҳолларда рад жавоби берилади:

номзод Ўзбекистон Республикаси фуқароси бўлмаса;

номзодга нисбатан жиноий иш юритилганда, бирламчи тергов ва суриштириш ишлари юритилганда, судда жиноий иши кўриб чиқиладиганда;

жазо чоралари ёки амнистия қўлланилишидан қатъи назар жиноят содир этилгани сабабли айблов эълон қилинганда;

яшаш жойидан, ички ишлар бўлимларидан салбий тавсияномалар тақдим этилганда.

19. Дастлабки танлашда иштирок этиш учун номзодлар қуйидаги ҳужжатларни тақдим этади:

а) муҳофаа ишлари бўйича бўлим бошлиғи номига ариза;

б) белгиланган шаклдаги сўровнома;

в) ўқиш жойи ва маҳалла фуқаролар йиғинидан тавсифнома;

г) таълим муассасасига кираётган номзоднинг тиббий ҳулосалар қайд этилган тиббий дафтарчаси (картаси);

д) намуна асосида ёзилган батафсил таржимаи ҳол;

е) туғилганлик ҳақидаги гувоҳнома ёки паспорт нусхаси, муҳофаа ишлари бўлимларида рўйхатда туриши тўғрисидаги маълумотнома нусхаси;

ж) фанларни ўзлаштириши тўғрисида ўқиш жойидан директор томонидан тасдиқланган маълумотнома;

з) психоневрологик, силга қарши ва тери-таносил касалликлари диспансерлари, наркологик ва одам иммунитетини танқислиги синдромига (СПИД) қарши курашиш марказларидан берилган маълумотнома, лаборатория текширишлари натижалари (қон ва пешобнинг умумий таҳлили, нажасни гельментологик текшируви, кўкрак қафаси флюорографияси, электрокардиография текшируви (ЭКГ), ультратовуш текшируви (УТТ), эндоскопик эзофагогастроэдуоденоскопия текшируви (ЭФГДС) ҳулосалари) бўйича тиббий маълумотномалар;

и) номзодга нисбатан жиноий иш юритилмаганлиги, бирламчи тергов ва суриштириш ишлари юритилмаганлиги, судда номзодга нисбатан жиноий иш кўриб чиқилмаётганлиги, жазо чоралари ва амнистия қўлланилишидан қатъи назар жиноят содир этилгани сабабли айблов эълон қилинганлиги, номзоднинг ички ишлар органларида рўйхатга олинмаганлиги ҳолатларини тасдиқловчи маълумотнома;

к) 4 дона 3,5 x 4,5 см ўлчамли ва 6 дона 3 x 4 см ўлчамли рангли фотосуратлар.

20. Дастлабки ва ҳарбий-касбий танлаш талабларига жавоб берувчи, таълим муассасаларига танловсиз қабул қилиниш ҳуқуқига эга бўлган ай-

рим тоифадаги номзодлар қўшимча равишда қўйидаги хужжатларни тақдим этадилар:

а) тегишли ихтисос фанлари бўйича халқаро олимпиадалар ва республика фан олимпиадаларининг республика босқичи, шунингдек Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими вазирлиги, Маданият вазирлиги ҳамда Жисмоний тарбия ва спорт давлат қўмитаси томонидан ўтказиладиган танловлар ва мусобақалар ғолиблари ЎМКХТ Марказининг белгиланган намунадаги гувоҳномалари;

б) ўз хизмат вазифаларини бажариш чоғида ҳалок бўлган ҳарбий хизматчиларнинг ва ҳуқуқни муҳофаза қилиш органлари ходимларининг фарзандлари:

мазкур банднинг биринчи хатбошисида белгиланган болаларни таълим муассасасига танловдан ташқари қабул қилиш тўғрисидаги тегишли вазирлик ва идоралар раҳбарларининг илтимосномаси;

вазифасини ўташ даврида ҳалок бўлган ҳарбий хизматчи, ҳуқуқни муҳофаза қилиш органлари ходимининг вафоти тўғрисида хизмат текшируви (маъмурий текширув) хулосасининг нусхаси;

тегишли ҳарбий қисм ёки муассаса, ҳуқуқни муҳофаза қилиш органлари раҳбарининг буйруғидан кўчирма;

ўлим ҳақида гувоҳнома нусхаси.

21. Туғилганлик тўғрисида гувоҳнома ёки паспорт, чақирилувчининг қайд этилганлиги тўғрисида гувоҳнома, ўқишга имтиёзли кириш ҳуқуқини тасдиқловчи хужжатларнинг (20-бандда кўрсатилган номзодлар тоифаси учун) асл нусхалари номзодлар томонидан тегишли таълим муассасасига келганда маслаҳат марказига шахсан тақдим этилади.

22. Ҳар йили апрель ойида ўтказиладиган дастлабки танлаш давомида қўйидаги ишлар амалга оширилади:

тақдим этилган хужжатларни ўрганиш;

номзодлар билан яқка тартибда суҳбат ўтказиш;

номзодларни дастлабки тиббий кўрикдан ўтказиш.

23. Тақдим этилган хужжатларни ўрганиш номзод тўғрисидаги маълумотларни режали жамлаш ва тизимлаштириш, унинг ижтимоий фаоллиги ва маънавий-маърифий фазилатларини баҳолаш йўли билан ўтказилади.

Номзодларнинг ижтимоий фаоллиги ва маънавий-ахлоқий фазилатларини аниқлашда қўйидагиларга эътибор қаратилади:

мамлакатимизда амалга оширилаётган ислохотларнинг моҳияти ва аҳамиятини, давлатни ҳимоя қилиш бўйича конституциявий мажбуриятларни тушуниши;

юқори даражадаги ҳушёрлик ҳамда ёт мафкура ва ахлоққа нисбатан муросасизлиги;

бурчни ҳис этиши, қатъиятлилиги, ишчанлиги, меҳнатсеварлиги;

жамоанинг ижтимоий ҳаётида фаол иштироки;

ўқишда ва спорт мусобақаларида эришган натижалари.

24. Номзодлар билан яқка тартибдаги суҳбат мудофаа ишлари бўйича бўлимлар ва бошқармалар бошлиқлари томонидан Ўзбекистон Республика-

си Мудофаа вазирлиги ҳузуридаги Жамоатчилик кенгашининг ҳудудий бўлинмалари вакиллари жалб этган ҳолда ташкил этилади ва ўтказилади.

Якка тартибдаги суҳбат номзодлар тўғрисидаги турли маълумотларни аниқлаштириш (оилавий аҳволи, ота-оналари ва яқин қариндошларининг ҳарбий хизматга муносабати ва шу қабилар), ҳарбий касбни танлашининг сабабларини баҳолаш мақсадида ўтказилади.

25. Якка тартибдаги суҳбат натижасида қуйидаги хулосалар берилади: таълим муассасасига кириш учун тавсия этилади; таълим муассасасига кириш учун тавсия этилмайди.

Якка тартибдаги суҳбат натижаларига кўра таълим муассасасига кириш тавсия этилмаган номзодлар Дастлабки танлашнинг кейинги босқичларига жалб этилмайди.

26. Номзодларни дастлабки тиббий кўрикдан ўтказиш мудофаа ишлари бўйича бўлимларда ташкил этилган тиббий комиссиялар томонидан амалга оширилади. Тиббий кўрик натижалари бўйича номзоднинг соғлиги ҳолатига кўра ОХТМда ўқишга яроқлилиги тўғрисида хулоса берилади.

27. Соғлиги жихатидан ОХТМда ўқишга яроқсиз деб топилган номзодлар ҳарбий-касбий танловга қўйилмайди.

28. Дастлабки танлаш натижаларига кўра таълим муассасасида ўқишга тавсия этилган номзодларнинг шахсий ҳужжатлар йиғмажилди мудофаа ишлари бўйича бўлимлар томонидан мудофаа ишлари бўйича бошқармаларга ҳар йили 30 апрелгача тақдим этилади.

3-боб. Ҳарбий-касбий танлаш

29. Ўзининг психофизиологик хусусиятларига ва соғлиғига кўра ҳарбий мутахассисликнинг замонавий талабларига жавоб берадиган, офицер касбини эгаллашнинг асосларига, етакчилик сифатларига, ички эътиқодига, мустақкам маънавий-ахлоқий ва интеллектуал салоҳиятга эга бўлган номзодларни аниқлаш ҳарбий-касбий танлашнинг асосий мақсади ҳисобланади.

30. Ҳарбий-касбий танлашнинг асосий вазифалари қуйидагилардан иборат:

тақдим этилган ҳужжатларни ва номзодни тавсифловчи материалларни ўрганиш;

номзодларни якуний тиббий кўрикдан ўтказиш;

номзоднинг (орфографик ва пунктуацион) саводхонлиги даражасини баҳолаш;

номзодларнинг психофизиологик хусусиятларини ўрганиш;

номзодларнинг жисмоний тайёрланганлик даражасини аниқлаш;

якка тартибдаги якуний суҳбат ўтказиш ва номзодни тест синовларини топширишга қўйиш тўғрисида узил-кесил қарор қабул қилиш.

31. Ҳарбий-касбий танлаш номзоднинг яшаш жойидаги мудофаа ишлари бўйича бошқармаларда амалга оширилади.

32. Ҳужжатларни ўрганишда номзод тўғрисида тақдим этилган ҳужжатлар ва маълумотларнинг белгиланган талабларга мувофиқлиги текширилади.

33. Номзодларни якуний тиббий кўриқдан ўтказиш Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазири ва Соғлиқни сақлаш вазирининг қўшма буйруғи билан тасдиқланадиган, тиббиёт мутахассисларидан шакллантириладиган ҳарбий-тиббий комиссиялар томонидан ўтказилади.

34. Якуний тиббий кўриқ Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги, Мудофаа вазирлиги ҳамда Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг ЎМКХТ Марказининг қўшма қарори билан тасдиқланадиган ҳарбий академик лицейлар ва таълим муассасаларининг махсус гуруҳларига кираётган номзодларни тиббий кўриқдан ўтказиш тартибига асосан ўтказилади.

35. Якуний тиббий кўриқдан ўтказиш натижалари бўйича соғлиғига кўра номзоднинг таълим муассасасида ўқишга яроқлилиги даражаси тўғрисида қарор чиқарилади.

Соғлиғининг ҳолатига кўра таълим муассасасида ўқишга яроқсиз деб топилган номзодлар танлашнинг кейинги тадбирларига қўйилмайди.

36. Номзодларнинг саводхонлик даражаси (орфография, пунктуация) диктант ёзиш йўли билан аниқланади.

Диктантни ўтказиш тартиби ва баҳолаш мезонлари Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирлиги ва ЎМКХТ Маркази томонидан ишлаб чиқилади ва тасдиқланади.

Диктант бўйича қониқарсиз баҳо олган номзодлар танлашнинг кейинги босқичларга қўйилмайди.

37. Номзодларнинг психофизиологик хусусиятларини ўрганиш психологик тест синовлари орқали, тегишли мутахассисларни жалб этган ҳолда ҳарбий округлар томонидан ўтказилади. Психологик тест синовларини ўтказиш тартиби ва психологик тестлар Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирлиги ҳамда ЎМКХТ Маркази томонидан ишлаб чиқилади ва тасдиқланади.

Психофизиологик хусусиятларни ўрганиш натижалари якка тартибдаги якуний суҳбат давомида қарор қабул қилишда ҳисобга олинади.

38. Психофизиологик хусусиятларни ўрганиш натижаларига асосан қуйидаги хулосалар тузилади:

таълим муассасасига киришга тавсия этилади;

таълим муассасасига киришга тавсия этилмайди.

Психофизиологик хусусиятларни ўрганиш натижаларига кўра танлашдан ўта олмаган номзодлар танлашнинг кейинги босқичларига қўйилмайди.

39. Номзодларнинг жисмоний тайёрланганлик даражаси мудофаа ишлари бўйича бошқармалар томонидан аниқланади.

Жисмоний тайёрланганлик даражаси бўйича белгиланган талабга жавоб бермайдиган номзодлар танлашнинг кейинги босқичларига қўйилмайди.

40. Якка тартибдаги якуний суҳбат номзоднинг ОХТМ ўқишга кириши сабабини, етакчилик сифатларини, ақлий қобилиятлари ва бошқа муҳим касбий фазилатларини аниқлаш мақсадида ягона методика бўйича психофизиологик ўрганиш ва диктант ёзиш натижалари асосида ўтказилади.

41. Якка тартибдаги якуний суҳбат коллегиялик тамойиллари бўйича

мудофаа ишлари бўйича бошқармалар томонидан, Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирлиги ҳузуридаги Жамоатчилик кенгашининг ҳудудий бўлинмалари вакиллари иштирокида ўтказилади.

42. Якка тартибдаги якуний суҳбатни ўтказиш методикаси ОХТМлари таълим йўналишларининг хусусиятларини ҳисобга олган ҳолда Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирлиги ва ЎМКХТ Маркази томонидан ишлаб чиқилади ва тасдиқланади.

43. Якка тартибдаги якуний суҳбат натижалари бўйича номзодни Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасига ҳузуридаги Давлат тест маркази томонидан ўтказиладиган тест синовларини топширишга қўйиш тўғрисида узил-кесил қарор қабул қилинади.

44. Якка тартибдаги якуний суҳбатдан ўта олмаган номзодларнинг шахсий ҳужжатлари йиғмажилди (ва бошқа ҳужжатлар) далолатнома бўйича ЎМКХТ ҳудудий бошқармалари вакиллари орқали номзодларни кейинчалик яшаш жойларидаги академик лицей ва касб-ҳунар коллежларида ўқитиш билан қамраб олиш учун юборилади.

45. Мудофаа ишлари бўйича бошқармалар томонидан номзодларнинг расмийлаштирилган шахсий ҳужжатлари йиғмажилди мудофаа ишлари бўйича бошқармалар томонидан таълим муассасаларининг маслаҳат марказларига 20 июнгача юборилади.

46. Номзодларнинг шахсий ҳужжатлари йиғмажилдини таълим муассасаларининг маслаҳат марказларига ушбу мақсадлар учун ваколатга эга бўлмаган бошқа шахслар орқали юбориш қатъиян ман этилади.

47. Тест синовларида қатнашишга рухсат этилган номзодларга мудофаа ишлари бўйича бошқармалар томонидан маълумотнома берилади. Ушбу маълумотнома умумий таълим мактабидан умумий ўрта таълим тўғрисида шаходатномани олиш учун асос бўлади.

48. Таълим муассасалари маслаҳат марказига тақдим этилган шахсий ҳужжатлар йиғмажилдларини ўрганиш натижасида тест синовларида қатнашишга рухсат этилган номзодлар рўйхатларини мудофаа ишлари бўйича бошқармаларга етказиш масъулияти юкланади.

49. Номзодларнинг тест синовларида қатнашиш учун номзодларнинг таълим муассасаларига ўз вақтида етиб келишларини таъминлаш масъулияти мудофаа ишлари бўйича бошқармалар бошлиқлари зиммасига юкланади.

50. Номзодларни таълим муассасаларига келиб-кетиши, тест синовларига тайёрланиш ва уларни топшириш даврида яшаши, овқатланиши билан боғлиқ барча сарф-харажатлар уларнинг ота-оналари ёки уларни ўрнини босувчилар ҳисобидан қопланади.

4-боб. Тест синовлари

51. Тест синовлари белгиланган тартиб асосида Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Давлат тест маркази томонидан Ўзбекистон Республикаси таълим муассасаларига қабул қилиш бўйича Давлат комиссияси белгилаган муддатларда ўтказилади.

52. Тест синовлари ўтказиладиган умумтаълим фанлари блоки Ўзбекистон Республикаси таълим муассасаларига қабул қилиш бўйича Давлат комиссияси томонидан тасдиқланади.

Номзодлар тест синовларини ўзларининг танлови бўйича учта: давлат тили, рус тили ва қорақалпоқ тилларининг бирида топширадilar.

53. Тест синовлари натижалари Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Давлат тест маркази томонидан Ўзбекистон Республикаси таълим муассасаларига қабул қилиш бўйича Давлат комиссияси белгиланган муддатларда Ўзбекистон Республикаси таълим муассасаларига қабул қилиш бўйича Давлат комиссиясига ҳамда тегишли таълим муассасаси маслаҳат марказига тақдим этилади.

54. Тест синовларига белгиланган муддатда келмаган номзодлар учун такрорий тест синовлари ўтказилмайди.

55. Таълим муассасаларига қабул қилинмаган (танлашдан ўтмаган) номзодларнинг шахсий ҳужжатлари йиғмажилди (ва бошқа ҳужжатлар) далолатномага асосан ЎМКХТ ҳудудий бошқармалари вакилларига номзодларни кейинчалик яшаш жойларидаги бошқа академик лицей ва касб-ҳунар коллежларида ўқитиш билан қамраб олиш учун берилади.

5-боб. Номзодларга бериладиган имтиёзлар

56. Ўзбекистон Республикаси таълим муассасаларига қабул қилиш бўйича Давлат комиссиясининг қарорига мувофиқ бошланғич ва ҳарбий-касбий танлаш натижаларига асосан қуйидаги номзодлар таълим муассасаларига танловдан ташқари ва тест синовларисиз қабул қилинади:

тегишли ихтисос фанлари бўйича халқаро олимпиадалар ва фан олимпиадаларининг республика босқичи, шунингдек Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими вазирлиги, Маданият вазирлиги ҳамда Жисмоний тарбия ва спорт давлат қўмитаси томонидан ўтказиладиган танловлар ва мусобақаларда голиб бўлиб, ЎМКХТ Марказининг белгиланган намунадаги гувоҳномасига эга бўлганлар;

ўз хизмат вазифаларини бажариш чоғида ҳалок бўлган ҳарбий хизматчиларнинг ва ҳуқуқни муҳофаза қилиш органлари ходимларининг фарзандлари — тегишли вазирлик ва идоралар раҳбарларининг илтимосномаси мавжуд бўлганда.

6-боб. Қабул қилиш тартиби

57. Таълим муассасаларига қабул қилиш белгиланган тартибда белгиланган қабул квоталари асосида амалга оширилади.

58. Номзодларни таълим муассасалари ўқувчилари сафига қабул қилиш Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Давлат тест маркази томонидан тақдим этилган тест синовлари натижаларига асосан амалга оширилади.

59. Дастлабки ва ҳарбий-касбий танлашдан ўтган номзодлар сони бел-

гиланган қабул квоталаридан кам бўлган тақдирда тест синовлари ўтказилмайди ва номзодлар дастлабки ва ҳарбий-касбий танлаш натижаларига асосан қабул қилинади.

60. Бир нечта номзодларнинг ўтиш рейтинг баллари тенг бўлган ҳолатларда улар таълим муассасасига белгиланган квотадан ташқари қабул қилинади.

61. Тест натижалари келганидан сўнг таълим муассасасининг маслаҳат маркази қабул қилинган номзодларнинг рўйхатини тузади ҳамда биринчи босқичга қабул қилиш тўғрисидаги баёни расмийлаштиради. Мазкур ҳужжатлар маслаҳат маркази раиси ва аъзолари томонидан имзоланади ва таълим муассасаси муҳри билан тасдиқланади.

62. Маслаҳат маркази баёни номзодларни таълим муассасасига ўқувчилар сафига қабул қилиш тўғрисида буйруқни қабул қилишга асос бўлади.

7-боб. Яқунловчи қоидалар

63. Таълим муассасалари ўқувчиларини ўқувчилар сафидан чиқариш ва бошқа таълим муассасасига ўтказиш қонунчиликда белгиланган тартибда амалга оширилади.

64. Мазкур Низомни қўллаш билан боғлиқ ҳолда пайдо бўладиган келишмовчиликлар қонун ҳужжатларига мувофиқ ҳал этилади.

65. Ушбу Низом талаблари бузилишида айбдор бўлган давлат органлари ва ташкилотларнинг раҳбарлари ҳамда бошқа мансабдор шахслар қонун ҳужжатларига мувофиқ жавоб берадилар.

Вазирлар Маҳкамасининг
2017 йил 21 апрелдаги 227-сон қарорига
2-ИЛОВА

Олий ҳарбий таълим муассасаларига кириш учун номзодларни тайёрлаш бўйича академик лицей ва касб-хунар коллежларининг махсус гуруҳлари тўғрисида НИЗОМ

1 боб. Умумий қоидалар

1. Ушбу Низом Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Ўзбекистон Республикаси Қуролли Кучларини ислоҳ қилиш ва янада ривожлантириш вазифаларини амалга ошириш бўйича чора-тадбирлар дастури тўғрисида» 2017 йил 24 январдаги ПҚ–2738-сон қарорига мувофиқ олий ҳарбий таълим муассасаларига кириш учун номзодларни тайёрлаш бўйича қўшимча вазифалар юкланган академик лицей ва касб-хунар коллежлари (кейинги ўринларда таълим муассасалари деб аталади) махсус ўқув гуруҳларининг (ке-

йинги ўринларда махсус гуруҳлар деб аталади) мақсади, вазифалари, функциялари, мақоми ва фаолиятининг ташкилий асосларини белгилайди.

2. Махсус гуруҳларда таълим жараёни ўрта махсус, касб-хунар таълими Давлат таълим стандартларига мувофиқ, Ўрта махсус, касб-хунар таълими маркази томонидан Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирлиги билан келишилган ҳолда тасдиқланган, ўқувчиларни ҳарбий-касбий йўналтиришни ҳамда уларнинг кейинчалик олий ҳарбий таълим муассасаларида ўқишни назарда тутадиган ўқув режалари ва ўқув дастурлари асосида ташкил этилади.

2-боб. Махсус гуруҳларнинг мақсади ва вазифалари

3. Ўқувчиларни чуқурлаштирилган касбий, табақалаштирилган, касбга йўналтирилган ҳолда ўқитиш, уларнинг интеллектуал ривожланишини, ҳарбий-ватанпарварлик тарбиясини таъминлаш махсус гуруҳлар фаолиятининг мақсади ҳисобланади.

4. Қўйидагилар махсус гуруҳларнинг вазифалари ҳисобланади:

ўқувчиларни ўрта махсус, касб-хунар таълими давлат таълим стандарти талабларига мувофиқ сифатли ўқитишни ташкил этиш;

ёшларни Ватанга садоқат, юксак фуқаролик ҳамда демократия, мустақиллик ғояларига, ўз халқининг маънавий ва тарихий қадриятларига содиқлик руҳида тарбиялаш;

ўқувчиларга қонунчиликни тўғри тушунишни ва уларга онгли риоя қилишни таъминлайдиган юксак маданиятни, кўникмаларни, фаол ижтимоий-фуқаролик хулқ-атвори сингдириш;

ўқувчиларнинг тегишли мутахассисликлар бўйича олий ҳарбий таълим муассасаларида ўқишни давом эттиришлари учун зарур ва етарли бўлган, чуқурлаштирилган назарий ва касбий тайёргарлигини таъминлаш;

ўқувчиларда жисмоний чидамлилиқ, куч, чаққонлик ва тезкорликни ривожлантириш.

3-боб. Ўқув-тарбиявий жараёни ташкил этиш

5. Махсус гуруҳларда ўқиш давлат, қорақалпоқ ва рус тилларида олиб борилади.

6. Ўқув режаси, ўқув жараёни жадвали, аудитория ва аудиториядан ташқари ўқув-тарбиявий ишлар, шунингдек ўқув-тарбия жараёнини ташкил этишнинг бошқа масалалари Ўрта махсус, касб-хунар таълими давлат таълим стандартлари талабларидан келиб чиқиб, таълим муассасаларининг ўзига хослиги ҳисобга олинган ҳолда белгиланади.

7. Ўқувчиларни тарбиялаш ва ўқитиш жараёнида аудитория ва аудиториядан ташқари машғулотлар ўтказишнинг турли замонавий шакллари ва усулларидан, жумладан ўқитилаётган фанлар бўйича факультатив ва тўғрақ машғулотлари ҳамда ўқувчиларни Ватанга садоқат ва муҳаббат руҳида тарбиялаш тадбирларидан фойдаланилади.

8. Ўқитиш, меҳнат қилиш, дам олиш ва турли тадбирларни қўшиб олиб боришнинг тиббий-педагогик асосланишини таъминлайдиган кун тартиби ўқувчиларнинг харбий академик лицейда кеча-кундуз бўлишини ҳисобга олган ҳолда тузилади ва Педагогик кенгашнинг қарори билан тасдиқланади.

9. Ўқиш тамом бўлгандан кейин ҳар бир босқичда рейтинг назорати ва аттестация натижалари бўйича махсус гуруҳ ўқувчиларини махсус гуруҳ таркибида навбатдаги босқичга ўтказиш тўғрисида қарор қабул қилинади.

10. Аттестация ва рейтинг назорати бўйича кониқарсиз натижалар кўрсатган махсус гуруҳ ўқувчилари таълим муассасасининг умумий гуруҳларида ўқишини давом эттириш учун кейинги босқичга ўтказилади.

11. Ўқувчиларнинг босқичдан-босқичга ўтиши таълим муассасаси директорининг буйруғи билан амалга оширилади.

4-боб. Махсус гуруҳлар ўқувчилари

12. Махсус гуруҳлар ўқувчиларининг ҳуқуқ ва мажбуриятлари олий харбий таълим муассасаларига кириш учун номзодларни тайёрлаш бўйича қўшимча вазибалар юкланган академик лицей ва касб-хунар коллежларининг умумий гуруҳлари ўқувчилари ҳуқуқ ва мажбуриятлари билан бир хил бўлиб, таълим муассасасининг тегишли тартибда тасдиқланган устави билан белгиланади.

13. Махсус гуруҳларга ўқишга қабул қилинган шахслар ўқувчилар деб аталади, уларга белгиланган намунадаги ўқувчи билети ва фанларни ўзлаштириш дафтарчаси берилади.

14. Махсус гуруҳлар ўқувчиларини ўқувчилар сафидан чиқариш ва ўқишини бошқа таълим муассасасига кўчириш қонунчиликда белгиланган тартибда амалга оширилади.

15. Махсус гуруҳларда ўқиш муддати — уч йил. Махсус гуруҳларда ўқувчилар сони ҳар бир босқичда 26 нафардан, уч босқичда 78 нафардан ошмаслиги лозим.

16. Ўқув режаси ва ўқув дастурлари талабларини тўлиқ бажарган махсус гуруҳ ўқувчилари якуний давлат аттестациясига қўйилади.

17. Таълим муассасаларининг махсус гуруҳларида ўқишни якунлаган битирувчиларга ўрта махсус, касб-хунар маълумоти олганлиги тўғрисида давлат намунасидаги диплом берилади.

5-боб. Раҳбар ва педагог кадрлар, махсус гуруҳларни бошқариш

18. Олий маълумотли, таълим муассасалари ўқитувчиларига қўйиладиган малака талабларига жавоб берувчи, юксак ахлоқий сифатларга эга бўлган шахслар махсус гуруҳларда педагогик фаолият билан шуғулланиш ҳуқуқига эгадирлар.

19. Махсус гуруҳларда дарс бераётган педагог кадрларни аттестациядан ўтказиш қонунчилиқда белгиланган тартибда амалга оширилади.

20. Таълим муассасасининг раҳбарияти ўқувчиларнинг қонун ҳужжатларида белгиланган ўқиш, меҳнат қилиш ва дам олиш шароитларига риоя этиши юзасидан жавоб беради.

21. Директор махсус гуруҳлар фаолиятини назорат қилади, ўқувчиларнинг сифатли ўқитилиши ва тарбияланиши, ўқув режалари ва дастурларининг бажарилиши, махсус гуруҳларнинг ўқув-методик ва молия-ҳўжалиқ фаолиятининг зарур даражада амалга оширилиши юзасидан жавоб беради, махсус гуруҳлар бўйича қонунчилиқда белгиланган тартиб асосида бўйруқлар чиқаради.

22. Таълим муассасасининг Педагогик кенгаши махсус гуруҳларда таълим-тарбия жараёнини ташкил этиш ва такомиллаштиришда амалий ёрдам кўрсатади.

23. Таълим муассасасининг раҳбарияти педагог ва муҳандис-педагогларнинг педагогик, касбий ва психологик маҳоратларини мунтазам равишда такомиллаштириш ҳамда уларнинг малакаларини ошириш ва қайта тайёрлаш учун масъулдирлар.

6-боб. Махсус гуруҳларда таълим жараёнини ташкил этиш ва бошқариш бўйича давлат органларининг вазифалари

24. Қуйидагилар Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги Ўрта махсус, касб-ҳунар таълими марказининг вазифалари ҳисобланади:

Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирлиги билан келишилган ҳолда, Ўрта махсус, касб-ҳунар таълими давлат таълим стандартларига мувофиқ махсус гуруҳларнинг ўқув режалари ва ўқув дастурларини ишлаб чиқиш ва тасдиқлаш;

педагог кадрларнинг малакасини ошириш ва уларни қайта тайёрлашни ташкил этиш;

ўқув-тарбия жараёнини ташкил этиш, илғор педагогик ва ахборот технологияларини таълим дастурларига ҳамда ўқув жараёнига жорий этиш бўйича илмий-методик ёрдам кўрсатиш;

ўқув, ўқув-методик адабиётлар ва кўргазмалар қўлланмалар ишлаб чиқиш, нашр этишни ҳамда махсус гуруҳларни улар билан таъминлашни ташкил этиш;

ўқувчиларни ҳарбий-ватанпарварлик, ҳуқуқий, маънавий-ахлоқий ва эстетик тарбиялашни таъминлайдиган комплекс маънавий-маърифий ва тарбиявий ишларни ташкил этиш ва амалга ошириш;

Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирлиги билан биргалиқда ўқувчиларни аниқ мақсадни кўзлаган ҳолда касбга йўналтириш ва олий ҳарбий таълим муассасаларига кириш учун тайёрлаш, уларда махсус гуруҳдаги

ўқитиш йўналишларига мувофиқ киритилган махсус фанлар бўйича касбий маҳорат ва кўникмаларни шакллантириш;

ҳарбий академик лицейларга биркитилган олий таълим муассасалари билан ўзаро самарали ҳамкорлик қилишни ташкил этиш ва назорат қилиш, биркитилган олий таълим муассасаларининг махсус гуруҳлар ўқувчиларини олий ҳарбий таълим муассасаларига сифатли тайёрлашдаги роли ва масъулиятини ошириш, шунингдек бевосита иштирокини таъминлаш;

махсус гуруҳларнинг ўқув-моддий базасини ўқитишнинг замонавий техник воситалари, компьютер техникаси ва тегишли ўқув-лаборатория асбоб-ускуналари билан жиҳозлаш;

махсус гуруҳларнинг маъмурий, молиявий ва хўжалик фаолиятини, шунингдек моддий-техник таъминотини белгиланган тартибда мувофиқлаштириш ва назорат қилиш;

давлат якуний аттестациясини ташкил этиш ва махсус гуруҳлар битирувчиларига дипломлар бериш.

25. Қуйидагилар Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирлигининг вазифалари ҳисобланади:

ўқув-тарбия жараёнини сифатли ташкил этишда, ҳарбий мавзудаги илғор педагогик ва ахборот технологияларини таълим дастурларига ва ўқув жараёнига жорий этишда зарур ёрдам кўрсатиш;

Ўзбекистон Республикаси ёшларини ҳарбий хизматга чақиришгача дастлабки тайёрлаш дастурига мувофиқ махсус гуруҳларни ҳарбий-муҳандислик асбоб-ускуналари ва кимёвий муҳофаза воситалари, ҳарбий мавзудаги ўқув ва кўргазмалар қўлланмалар билан таъминлашда белгиланган тартибда ёрдам кўрсатиш;

махсус гуруҳлар ўқувчилари билан Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирлигининг олий ҳарбий таълим муассасалари ва сержантлар тайёрлаш мактаблари базаларида тактик, ўқ отиш, махсус тайёргарлик бўйича (шу жумладан дала шароитларида ҳам) амалий машғулотларни ташкил этиш ва ўтказишга кўмаклашиш;

махсус гуруҳлар ўқитувчиларини самарали касбий йўналтирилишини таъминлаш мақсадида таълим муассасаларини ҳарбий қисмларга, мудофаа ишлари бўйича бўлимларга бириктириш, олий ҳарбий таълим муассасаларига, сержантлар тайёрлаш мактабларига, ҳарбий қисмларга ва Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирлигининг малака ошириш муассасаларига боришларини ташкил этиш;

Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирлигининг малака ошириш муассасаларида чақирувга қадар бошланғич тайёргарлик бўйича раҳбарлар ва педагог кадрларнинг малакасини оширишни ташкил этиш ва ўтказиш;

Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги билан биргаликда Ўзбекистон Республикаси ёшларини ҳарбий хизматга қадар дастлабки тайёрлаш дастурини такомиллаштириш;

ўқишга қабул қилиш комиссиялари ва махсус гуруҳлар битирувчиларининг давлат якуний аттестациясини ўтказиш комиссиялари ишида қатнашиш.

26. Таълим муассасаларига биркитилган олий ҳарбий ва олий таълим

муассасалари ўқув-тарбия жараёнини ташкил этишда, илғор педагогик ва ахборот-коммуникация технологияларини таълим дастурларига ва ўқув жараёнига жорий этишда зарур илмий-методик ёрдам кўрсатадилар, шунингдек ўқувчи ёшларни касбга йўналтиришни, сифатли танлашни ва педагог кадрлар малакасини оширишнинг самарали ташкил этилишини таъминлайдилар.

27. Олий ҳарбий таълим муассасаларига кириш учун номзодларни тайёрлаш бўйича қўшимча вазифалар юкланган академик лицей ва касб-ҳунар коллежларига бириктирилган олий таълим муассасалари ректорлари кўрсатиб ўтилган вазифаларнинг бажарилишини назорат қиладилар.

7-боб. Молиялаштириш ва моддий-техник таъминлаш

28. Таълим муассасалари, жумладан махсус гуруҳлар фаолиятини молиялаштириш қонун ҳужжатларига мувофиқ қўйидагилар ҳисобига амалга оширилади:

Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджетидан ажратиладиган маблағлар;

таълим хизматлари кўрсатишдан, илмий-педагогик, ишлаб чиқариш ва таълим муассасасининг уставдаги вазифаларига мувофиқ бўлган фаолиятнинг бошқа турларидан олинган даромадлар;

юридик ва жисмоний шахсларнинг ихтиёрий эҳсонлари.

29. Молиявий маблағлар таълим муассасалари тасарруфида бўлади ҳамда улардан қонун ҳужжатларига ва уларнинг уставига мувофиқ фойдаланилади.

30. Таълим муассасаларининг, жумладан махсус гуруҳларнинг ўқув-лабораторияларини, кабинетларини ва бошқа объектларини жиҳозлаш Ўрта махсус, касб-ҳунар таълимининг давлат таълим стандартлари талабларига мувофиқ ўрта махсус, касб-ҳунар таълими жараёнини моддий-техник таъминлашнинг намунавий нормативларида белгиланади.

8-боб. Яқунловчи қоида

31. Ушбу Низом талабларининг бузилишида айбдор бўлган шахслар қонунчиликда белгиланган тартибда жавоб берадилар.

Вазирлар Маҳкамасининг
2017 йил 21 апрелдаги 227-сон қарорига
3-илова

**Ҳарбий академик лицейлар ҳамда олий ҳарбий таълим муассасаларига кириш учун номзодларни
тайёрлаш бўйича қўшимча вазифалар юқланган академик лицейлар ва касб-ҳунар коллежларининг
инфратузилмасини, ўқув ва моддий-техника базасини такомиллаштириш
ДАСТУРИ**

Т/р	Тадбирлар номи	Бажариш мuddати	Масъул ижрочилар
Моддий-техник базани мустаҳкамлаш			
1.	Ўрта махсус, касб-ҳунар таълими Давлат таълим стандарти талабларига мувофиқ академик лицейлар ва касб-ҳунар коллежлари махсус гуруҳларини жиҳозлаш нормативларини ишлаб чиқиш, махсус гуруҳлар учун зарур моддий-техника шарт-шароитларини яратиш, номзодларни олий ҳарбий таълим муассасаларига кириш учун тайёрлаш жараёнини сифатли ташкил этишни таъминлаш.	2017 йил апрель — июнь	Мудофаа вазирлиги, «Ўстандард» агентлиги, ЎМКХТМ, Соғлиқни сақлаш вазирлиги, вазирликлар ва идоралар
2.	Ўқув бинолари, спорт мажмуалари, аудитория ва лаборатория хоналарининг ўқув-моддий, техника базаси мулкий таъминланишини, спорт жиҳозлари ва анжомларини ишлаб чиқилган таъминлаш нормативларига мувофиқлигини ҳатловдан ўтказиш.	2017 йил июль-август	ЎМКХТМ, Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳри ҳокимликлари, вазирликлар ва идоралар
3.	Ўзбекистон Республикаси инвестиция дастурига киритиш учун махсус гуруҳлар ташкил этилишини инобатга олган ҳолда реконструкция ва мукамал таъмирлаш талаб этиладиган академик лицейлар ва касб-ҳунар коллежларининг манзилли дастурларини ишлаб чиқиш ва тасдиқлаш, шунингдек, тасдиқланган таъминлаш нормативларига мувофиқ зарур ўқув жиҳозлари ва инвентарлар, ўқитишнинг техник воситалари билан қўшимча таъминлаш.	ҳар йили 1 августгача	ЎМКХТМ, Иқтисодиёт вазирлиги, Молия вазирлиги, Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари
Ўқув режа ва дастурларини такомиллаштириш, дарсликлар ва ўқув-методик қўлланмалар билан таъминлаш			
4.	Махсус гуруҳларнинг фаолиятини самарали ташкил этиш учун ўқув режа ва ўқув дастурларини ишлаб чиқиш ва такомиллаштириш, жумладан: ўқув-норматив хужжатларни қайта кўриб чиқиш; «Ҳақирлиққа қалар бошлангич тайёрларлик» фани бўйича ўқув дастурини қайта кўриб чиқиш ва мазмунини такомиллаштириш;	2017/2018 ўқув йили бошлангунга қадар	ЎМКХТМ, Мудофаа вазирлиги, Мудофаа вазирлиги хузуридаги Жамоатчилик кенгаши, ҳарбий округлар ва қисмлар, олий ҳарбий таълим муассасалари

Т/р	Тадбирлар номи	Бажариш мuddати	Масъул ижрочилар
	<p>бошлангич ҳарбий ва жисмоний тайёргарлик бўйича қўшимча машгулотлар ташкил этиш ва ўтказиш; умумтаълим фанлари бўйича тўғрақ ва қўшимча машгулотлар ташкил этиш; ўқувчиларнинг ватанпарварлик тарбияси бўйича тадбирлар ташкил этишни назарда тутиш.</p>	<p>Ўқув жараёни жадвалига мувофиқ</p>	
5.	<p>Ҳарбий мавзулар бўйича махсус ўқув-методик қўлланмалар ва кўрсатмалар ишлаб чиқиш, нашр этиш, номзодларни олий ҳарбий таълим муассасаларига киришга тайёрлаш учун академик лицейлар ва касб-ҳунар коллежларининг кутубхона фондидан лугатлар, энциклопедиялар, маълумотномалар, бадий адабиётлар билан тўлдириш.</p>	<p>2017/2018 ўқув йили</p>	<p>Мудофаа вазирлиги, Ҳарбий округлар, ЎМКХТМ</p>
6.	<p>Академик лицейлар ва касб-ҳунар коллежларни Ziyonet тармоғига улаш, ўқитувчи ва ўқувчиларни таълим ва ўқитиш тизимига доир статистик, методик маълумотларни олишга, ахборотлар базаси ва замонавий ахборот-қидирув тизимларидан фойдаланишга имкониятлар яратиш.</p>	<p>2017/2018 ўқув йили</p>	<p>Ахборот технологиялари ва коммуникацияларни ривожлантириш вазирлиги, ЎМКХТМ, Мудофаа вазирлиги</p>
7.	<p>Махсус гуруҳларнинг ҳар бир ўқувчисини умумтаълим фанлари бўйича дарсликлар ва ўқув қўлланмалари билан таъминлаш.</p>	<p>Ҳар йили 1 сентябргача</p>	<p>ЎМКХТМ, Мудофаа вазирлиги, ҳарбий округлар</p>
8.	<p>Махсус гуруҳларда ўқитиладиган фанлар бўйича мақсадли ўқув-методик мажмуаларни ва уларнинг электрон шакллари яратиш.</p>	<p>Ҳар йили 1 сентябргача</p>	<p>ЎМКХТМ, Мудофаа вазирлиги</p>
9.	<p>Олий ҳарбий таълим муассасаларига киришни хоҳловчи энг иқтидорли 9-синф битирувчиларини танлаб олиш, умумтаълим мактабларида касбга йўналтириш ва ўқувчиларни кенг хабардор қилиш бўйича ишларни изчил ва мақсадли амалга ошириш.</p>	<p>Ҳар йили, ўқув йили давомида</p>	<p>ХТВ, ЎМКХТМ, Мудофаа вазирлиги, ҳарбий округлар</p>
	<p>Ўқувчиларни тайёрлаш, тиббий кўриқдан ўтказиш тизимини такомиллаштириш, ҳарбий ватанпарварлик ва жисмоний тарбия бўйича тадбирлар ташкил қилиш</p>		
10.	<p>Махсус гуруҳларда дарс беришга ва тарбиялаш фаолиятига педагогик иш стажини 5 йилдан кам бўлмаган энг тажрибали ва малакали ўқитувчиларни, жумладан ҳарбий хизматчилар ва сафарбарлик захирасидан белгиланган тартибда жалб этиш.</p>	<p>2017 йил август</p>	<p>ЎМКХТМ, Мудофаа вазирлиги</p>
11.	<p>Кадрлар томонидан энг юқори самарали мураббийликни таъминлаш мақсадида чақриққа қадар бошлангич тайёргарлик фани бўйича раҳбар ва ўқитувчи лавозимига ҳарбий хизматчилар резерви ва сафарбарлик захираси таркибидан тажрибали ва билимдон, Ўзбекистон Республикаси Куролли Кучлари тизимида ўқитувчилик лавозимида камида 10 йил хизмат қилган шахсларни белгиланган тартибда тайинлаш чораларини кўриш.</p>	<p>2017/2018 ўқув йилидан</p>	<p>ЎМКХТМ, Мудофаа вазирлиги</p>

Т/р	Тадбирлар номи	Бажариш мuddати	Масъул ижрочилар
12.	Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирлигининг ҳарбий округларида ўрта махус, касб-хунар таълими муассасаларининг чақриққа қадар бошланғич тайёргарлик бўйича раҳбар ва ўқитувчилари учун ўқув-методик йиғинлар ташкил этиш ва ўтказиш.	2018 йилдан бошлаб ҳар йили	Ҳарбий округлар кўмондонлиги
13.	Махус гуруҳлар ўқувчиларининг вақтларини оқилона ташкил этиш мақсадида академик лицейлар ва касб-хунар коллежлари махус гуруҳлари учун ўзаро мувозанатли жисмоний, психологик, маънавий-ахлоқий ривожланишни таъминловчи илмий асосланган, ягона мазмунли кун тартибини ишлаб чиқиш ва жорий этиш.	2017/2018 ўқув йилидан бошлаб	ЎМКХТМ, Мудофаа вазирлиги
14.	Ёш авлод муҳитида олий ҳарбий таълим муассасаларининг фаолияти ва умумий ҳарбий хизмат тўғрисида объектив ва ижобий таасуротни шакллантириш, махус гуруҳлар ўқувчиларини ҳарбий-ватанпарварлик руҳида тарбиялаш бўйича амалга оширилаётган ишларнинг мақсади, мазмуни ва моҳиятини тушунтиришга йўналтирилган тадбирлар мажмуасини ташкил этиш ва ўтказиш.	Ҳар йили, ўқув йили давомида	Мудофаа вазирлиги, Мудофаа вазирлиги хузуридаги Жамоатчилик кенгаши, ҳарбий округ ва қисмлар, олий ҳарбий таълим муассасалари, ЎМКХТМ
15.	Белгиланган нормативларга мувофиқ, доимий равишда махус гуруҳлар ўқувчиларининг жисмоний тайёргарлигини амалга ошириш.	2017/2018 ўқув йилидан бошлаб	ЎМКХТМ, Мудофаа вазирлиги
16.	Ҳарбий академик лицейларда кеча-кундуз тиббий хизмат кўрсатилишини ташкил этиш.	2017/18 ўқув йилидан бошлаб	Соғлиқни сақлаш вазирлиги, Мудофаа вазирлиги
17.	Ҳарбий академик лицейлар, академик лицейлар ва касб-хунар коллежлари махус гуруҳларининг ўқувчиларининг фан олимпиадаларида, касблар бўйича мусобақаларда, ҳарбий-спорт мусобақаларида қатнашишга кенг жалб этилишини таъминлаш.	Ҳар йили, жадвал асосида	ЎМКХТМ